



ОИЛА-ТУРМУШ ДОИРАСИДА СОДИР ЭТИЛАДИГАН ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИ

Тоғаева Моҳидил Нурмухамматовна

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва криминология кафедраси
ўқитувчиси

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7714939>

ARTICLE INFO

Received: 28th February 2023

Accepted: 09th March 2023

Online: 10th March 2023

KEY WORDS

Оила-турмуш
муносабатлари,
хуқуқбузарликлар,
хуқуқбузарликларнинг
виктимологик
профилактикаси, олдини
олиш, сабаб ва шароитлар,
бартараф этиш йўллари,
муаммолар, низоли
ҳолатлар.

ABSTRACT

Ушбу мақолада, оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этиладиган хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасида шахс маънавий шаклланишидаги криминологик ва психологик, омиллар, уларнинг сабаб ва шароитлари, шунингдек, ушбу хуқуқбузарликларни олдини олиш борасида юзага келадиган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари ҳамда оилада маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштиришнинг энг асосий йўналишлари ёритиб берилган.

Бугунги кунда жамоат тартиби ва фуқароларнинг хавфсизлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жамият, давлат ва шахснинг қонуний манфаатларини ҳар қандай кўринишдаги таҳдидлардан ҳимоя қилиш мамлакатда тинчлик ва осойишталикни, миллатлараро тотувликни ҳамда барқарор тараққиётнинг асосий омилларидан биридир [1]. Шу боис, юртимизда барча давлат органларида маъмурий ислохотлар амалга оширилмоқда[2].

Таъкидлаш жоизки, оиладаги муносабатларга таҳдид солувчи, уни издан чиқарувчи, фарзандлар тарбиясига салбий таъсир этувчи оила турмуш доирасидаги хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасининг хусусиятларини ўрганиш, уни хуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиш бугунги кунда муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этиладиган хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси деганда, хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг эр ва хотин, ота-она ва фарзанд, келин-куёв ва қайнота-қайнона, қайноға-қайнука, қайнопа-қайнсингил, бобо-буви ва набира, ака-ука ва опа-сингил, фарзандликка олган ва фарзандликка олинган, қўни-қўшни ва шунга ўхшаш қариндошлар ўртасидаги муносабатлар - аввало никоҳ, қон-қариндошлик ёки оилавий ришталар билан боғлиқ бўлган шахслар ўртасидаги шахсий муносабатларда юзага келадиган хуқуқбузарликлардан жабрланувчига айланиш



хавфини камайтиришга қаратилган профилактик чора-тадбирларни қўллашга доир фаолият тушунилади.[3]

Оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини умумий, махсус ва якка тартибдаги профилактик ишлар орқали ташкил этилади.

Умумий виктимологик профилактиканинг муҳим чораси ҳуқуқий тарғиботдир. Оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликлар ўзларининг нотўғри хулқлари туфайли жабрланувчига айланган шахслар ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиб, кенг тарғибот ишлари олиб бориш, виктимологик жиҳатдан яхши профилактик самара беради ҳамда фуқароларнинг огоҳлигини оширади.

Оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг **якка тартибдаги виктимологик профилактика** чораларини белгилашда айрим тоифадаги жабрланувчилар ўртасидаги фарқни инобатга олиш зарур.

Оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг **махсус виктимологик профилактикаси** - бу ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасаларнинг оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга, реал, потенциал ва латент жабрланувчиларни аниқлашга, уларни ижтимоий реабилитация ва ижтимоий мослаштиришга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир фаолиятдир.[4]

Бугунги кунда ҳудудларда содир этилаётган оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар шуни кўрсатмоқдаки, оилаларда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари, шахсда ғайриижтимоий хулқ-атвор ва хусусиятларнинг шаклланишига ҳамда турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликлар содир этилишига, қонун ёки қонун ижросига путур етказадиган, унга риоя қилишга тўсқинлик қиладиган омиллар айнан оилада шакланган муҳит таъсирида юзага келаётганлиги ачинарли ҳолатдир. Аслида ҳар қандай ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқишида оилалардаги носоғлом ижтимоий-руҳий муҳит муҳим роль ўйнашлигини унутмаслигимиз лозим. Амалий ва назарий таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ва салбий иллатларнинг асл томири оилада шаклланади. Шундай экан, оила бу - шахсни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, маънавий ва ахлоқий тарбиялаш, шахслар билан бўладиган ижтимоий муносабатлар жараёнида ўзини тутиш каби инсоний хислатларни шакллантирувчи макондир.

Ҳар қайси жамиятда, миллатда, оилада, ота-онага, болаларга бўлган ҳурмат, урф-одатлар, миллий қадрият ва анъаналар мавжуд бўлса, шу ерда жиноятчилик даражаси ҳар доим паст кўрсаткичда бўлган.[5]

Илмий тадқиқотларда ижтимоий муносабатлар жараёнида юзага келиши мумкин бўлган объектив ва субъектив омиллар шахсни ҳуқуқбузарликлардан жабрланишига



олиб келиши ҳамда ушбу омиллар “шахсда виктимликни” келтириб чиқариши мумкинлиги тўғрисидаги турли хил мазмундаги мунозаралар илгари сурилган.[6]

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасининг энг муҳим жиҳатларидан бири - бу шахснинг жабрланувчи бўлиб қолишига олиб келган омилларни аниқлаш ҳамда чора-тадбирларни тўғри ишлаб чиқишдан иборат. Оила-турмуш доирасида содир этилган ҳуқуқбузарликларда аксарият жабрланувчиларнинг роли деярли юқори бўлади.

Шахсни ҳуқуқбузарликдан жабрланишига имкон берувчи ҳамда кўмаклашувчи яна шундай омиллар борки, уларни мунтазам тадқиқ этиш, *биринчидан*, ҳар қандай қонунга хилоф бўлган қилмишни барвақт олдини олишга, *иккинчидан*, содир этилган ҳар қандай ҳуқуқбузарликни фож этишга [7], олимларимиз фикрини маъқуллаган холда қўшимча тарзда *учинчидан* ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг самарали илмий-назарий механизмларини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этиладиган жиноятлар бошқа турдаги жиноятлардан, ўзининг мураккаб жиҳатлари, содир этилиш усуллари, вақти, турли-туманлиги, кенг ёйилганлиги, оилавий қадриятларга путур етказилиши, оиланинг яқин аъзоларига қаратилганлиги билан фарқ қилади.

Оила-турмуш соҳасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг ўзига ҳослиги улар асосан оилада, оила аъзоларининг орасида содир этилишидир. Ўз муаммоларини ҳал қилиш учун зўравонлик воситаларидан фойдаланилади.[8]

Бу ҳолатлар кундалик оила-турмуш муносабатлари доирасида турлича тажаввузкор хулқ-атворларда намоён бўлиб, оддий баданга шикаст етказишдан, то қасддан одам ўлдиришгача олиб келмоқда.

Оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликлар натижасида нафақат муайян шахс жабрланади, балки у билан биргаликда унинг оила аъзоларига, улар ўртасидаги ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларга ҳам путир етказилади. Баъзан бундай жиноятлар натижасида бутун бошли оила йўқ бўлиб кетади ёхуд оила аъзолари ўртасида муносабатлар шундай даражада бузиладики, энди у оиладаги соғлом муҳитни тиклаб бўлмайди.

Оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларга оид жиноят ишларининг таҳлили шуни кўрсатадики, жабрланганларнинг асосий қисмини (96%) аёллар ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 118-моддасида назарда тутилган номусга тегиш жиноятларининг 11,2% оила-турмуш доирасида содир этилганлигини кўришимиз мумкин.[9]

Баъзи тадқиқотларда оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг асл мотивларини тўғри аниқлаш учун нафақат жиноятчининг шахси билан, балки жабрланувчи ҳамда уларнинг муносабатлари тўғрисидаги тўлиқ маълумотларга эга бўлиш зарур деб кўрсатилган. Юқоридаги фикрларни қўллаб-қувватлаган ҳолда шуни айтиб ўтиш жоизки, ҳозирги кунда оила-турмуш доирасида шавқатсиз усулларда содир этилаётган жиноятларда жабрланувчиларнинг хулқ-атвори ва уларнинг криминологик хусусиятларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Ўрганиш натижаларига кўра, жабрланувчиларнинг 47,1% жиноят содир этилиш



вақтида маст ҳолда бўлган, 31,4% - салбий ҳулқ атворга эга бўлган, 21,5% - жиноят содир этишдан олдин ўзига нисбатан зўравонликни амалга оширган муқаддам судланган шахслар билан бевосита биргаликда спиртли ичимлик истеъмол қилганини кўриб ўтишимиз мумкин.[10]

Оила-турмуш доирасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини ташкил этишда, жабрланувчи шахсига оид ижтимоий - демографик, маънавий-рухий ҳолатини чуқур таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Зеро, виктимологик профилактика ҳуқуқбузарликларни олдини олишда муайян имкониятларга эга ва бу имкониятлар бевосита потенциал қурбонларни жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш, уларнинг виктимлигини камайтириш борасида ишлаб чиқилган илмий-назарий тавсиялардан иборат. Аммо виктимологик профилактика чоралари, агар жиноят содир этишга мойил бўлган шахсларга нисбатан мақсадга мувофиқ профилактик таъсир чоралари қўллангандагина, уларга қўшимча равишда самарали бўлиши мумкин.[11]

Юқоридаги олимимизнинг фикрларига қўшимча тарзида айтиш жоизки, виктимологик профилактика чоралари, оила-турмуш доирасида ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқишига объектив шарт-шароитларни яратувчи баъзи бир тоифадаги жабрланувчилар билан мунтазам профилактик таъсир чоралари қўлланганда эди, мақсадга мувофиқ самарали бўлиши ҳам мумкин.

Виктимологик профилактиканинг мазмунини потенциал жиноят қурбонларини аниқлаш ва улардаги эҳтиётсиз ҳулқ-атворни (енгилтаклик, ифвогарлик) бартараф этишга йўналтирилган чоралар тизими ташкил қилади. Бу потенциал қурбонларни жиноий тажовузлардан самарали ҳимоя қилиш ва жабрланувчиларни девиктимлаш фаолиятидан иборат. [10]

Фаол жабрланувчиларга нисбатан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид чоралар. Мазкур тоифадаги жабрланувчиларга (улар учун бошқа шахслардан ўзларига шикаст етказиш ҳақида илтимос қилиш ёки ўзлари ўзларига шикаст етказиш ҳаракатлари хосдир) нисбатан виктимологик хусусиятдаги профилактик чораларни икки йўналишда олиб бориш жоиз: *биринчиси*, бевосита потенциал жабрланувчига нисбатан; *иккинчиси*, потенциал зарар етказувчига нисбатан (агар шундай шахслар мавжуд бўлса).

Тактик жиҳатдан потенциал жабрланувчиларга таъсир кўрсатиш ҳам жабрланувчининг, ҳам зарар етказувчи шахснинг жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги ҳақида огохлантириш чораларини ўз ичига олиши лозим. Мазкур таъсир чорасининг мазмуни шундан иборатки, бунда шахснинг жиноят содир этишдан воз кечишига эришиш мумкин. Профилактик чоралар мамлакатдаги виктимологик ҳолатга мос равишда ўзгариб бориши лозим.[12]

Оила-турмуш доирасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги муаммоли ҳолатлар, жумладан, кўриб чиқиш жараёнида келиб чиққан низонинг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларини етарли даражада ўрганмаслик, унга эътиборсизлик билан қараш ва уни юзаки кўриб чиқиш, виктимологик яқка тартибдаги профилактикани тўғри ташкил қилмаслик, оилавий жанжалларни аниқлашдаги сусткашликлар ҳамда ўз хизмат



вазифасига бефарқлик билан қараш, ваколатли органлар ўртасида ҳамкорликнинг етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги ушбу турдаги жиноятларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. А.К.Янгибаев таъкидлаганидек, қоидаларга амал қилмаслиги оқибатида мазкур бахтсиз ҳодисалар ҳамда ҳуқуқбузарликлар юзага келаётганлигини кузатиш мумкин.[13]

Юқоридагилардан келиб чиқиб, оилада содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг самарали виктимологик профилактикасини олиб боришда келгусида қуйидагилар амалга оширилиши лозим:

- шахсларнинг оила турмуш муносабатлари доирасида ҳуқуқбузарликлардан виктимлашувини олдини олиш борасида самарали механизмнинг яратилиши ҳамда бу борада маҳалла фуқаролар йиғини, хотин-қизлар фаоллари, хотин-қизлар масалалари бўйича профилактика катта инспекторлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишни кучайтириш;

- шахсларнинг оила турмуш муносабатлари доирасида ҳуқуқбузарликлардан виктимлашувини олдини олиш борасида ҳимоя ордерини расмийлаштириш билан биргаликда, оилаларни доимий назоратга олиб, низоли оилалардаги муҳитни соғломлаштириш борасидаги ишларни аниқ ва манзилли амалга ошириш;

- маҳаллаларда ҳар бир оила бўйича маълумотлар базасини шакллантириш, носоғлом турмуш тарзи кечираётган, бандлиги таъминланмаган, моддий, ижтимоий масалаларда, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда кўмакка муҳтож бўлган оилаларни жамоатчилик назоратига олиш ҳамда тизимли равишда ҳамкорликни йўлга қўйиш, жамоатчилик таъсири орқали тарбиявий ишларни олиб бориш;

- оила турмуш доирасида содир этилган ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш ва низоли оилалардаги маънавий муҳитни яхшилаш мақсадида, мутассади ташкилотлар билан ҳамкорликда оилалардаги маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оиладаги низоларга барҳам беришга қаратилган виктимологик профилактик тадбирларни янада кучайтириш.

Мухтасар қилиб айтганда, оилада маънавий муҳитни яхшилаш, ишсизликни самарали тарзда камайтириш, тазйиқ ва зўравонликларни барвақт олдини олиш, миллий кадриятлар мустаҳкамлигини таъминлаш - оила турмуш доирасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликлардан шахсларнинг виктимлашувини олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

References:

1. Қушбоқов Ш., Таджиев Э. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган айрим тоифадаги маҳкумлар устидан маъмурий назорат ўрнатиш тартиби //Zamonaviy dunyoda innovatsion tadqiqotlar: Nazariya va amaliyot. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 35-44.
2. Рустамов С., Қушбоқов Ш. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясининг жазони ижро этиш департаменти фаолиятидаги ўрни //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 28-31.
3. Виктимология:Дарслик/Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2021.-153-154 б.



4. “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонун/2014йил14май;ЎРҚ-371-сон.
5. Виктимология:Дарслик/Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021.-137 б.
6. Исмаилов И, Абдурасулова Қ. Р.. Криминология. Махсус қисм. Дарслик –Т .: Ўзбекистон Республикаси ИИВАкадемияси,2015.-Б.298.
7. Саиткулов Қ. А.Хуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасининг асосий йўналишлари.Илмий рисола/Масъул муҳаррир:ю.ф.д.А.С.Турсунов.Т., Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси.2019.-Б.33.
8. Антонян Ю.М.Психология убийства.-М.,1997.-С.17-18.
9. Виктимология:Дарслик/Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021.-143 б.
10. Виктимология:Дарслик/Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021.-143 б.
11. Мухитдинов Ф.М. Виктим хулқ-атворга эга жабрланувчиларнинг виктимологик профилактикаси // Хуқуқбузарликлар профилактикасининг долзарб Ҳ 53 муаммолари: назария, амалиёт ва қонунчилик таҳлили: Республика илмий-амалий конференция материаллари (2022 йил 31 март) / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. Қ.Р. Абдурасулова. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2022. – 79 б. .
12. Мухитдинов Ф.М. Виктим хулқ-атворга эга жабрланувчиларнинг виктимологик профилактикаси // Хуқуқбузарликлар профилактикасининг долзарб Ҳ 53 муаммолари: назария, амалиёт ва қонунчилик таҳлили: Республика илмий-амалий конференция материаллари (2022 йил 31 март) / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. Қ.Р. Абдурасулова. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2022. – 79 б. .
13. Янгибаев А., Алимов М. Йўл ҳаракати хавфсизлигини ҳуқуқий таъминлашнинг янги босқичлари //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 293-297
14. Мухитдинов Ф.М. Виктим хулқ-атворга эга жабрланувчиларнинг виктимологик профилактикаси // Хуқуқбузарликлар профилактикасининг долзарб Ҳ 53 муаммолари: назария, амалиёт ва қонунчилик таҳлили: Республика илмий-амалий конференция материаллари (2022 йил 31 март) / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. Қ.Р. Абдурасулова. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2022. – 80-81 б. .
15. Янгибаев А. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни электрон шаклда юритиш тушунчаси ва ҳуқуқий асослари //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 123-127.
16. Янгибаев А., Аллаяров Н. Ўзбекистонда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг маъмурий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш истиқболлари //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 114-118.